


Боқий фикр

Инсон учун
халқнинг ишончи,
меҳру муҳаббатига
сазовор бўлишдан
ортиқ бахт йўқ.

Ислом КАРИМОВ



Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 24-dekabr, chorshanba № 102 (8751)

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ



Saylov — 2014

моддасига мувофиқ парламент Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтган, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 113 сайлов округидан депутатлар сайланди. Қонунчиликка биноан қолган 22 сайлов округида икки ҳафта муддатда депутатликка энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз берилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 47, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 28, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 21, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 17 депутат сайланди.

Сайлов кuni Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг вакилларида Қонунчилик палатасига номзод этиб кўрсатилган 15 нафар депутат яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

(Давоми 2-бетда.)



Ўзбекистонда 2014 йил 21 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди.

Сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб 22 декабрь кuni ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон

Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов парламент сайлови мамлакатимизни

янада демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилишда муҳим босқич бўлганини таъкидлади.

Матбуот анжуманида дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 18 миллион 400 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этгани ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 89 фоизини ташкил этиши маълум қилинди. 8311 нафар сайловчи эса мuddатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида"ги қонунининг 44-

мий сонининг 89 фоизини ташкил этиши маълум қилинди. 8311 нафар сайловчи эса мuddатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида"ги қонунининг 44-

КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЮКСАК ТАШКИЛИЙ САВИЯДА ЎТДИ

Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиш натижалари бўйича матбуот анжуманилари ўтказилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси 19—22 декабрь кунлари парламент сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан мониторинг олиб борди. Матбуот анжуманида миссия кузатувчиларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, ШХТ Бош котиби ўринбосари Мамадшариф Ҳақдодов ўқиб эшиттирди.

Ҳужжатда таъкидланишича, "сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъий мувофиқ равишда очик ва ошкора ўтди. Сиёсий партиялар ва депутатликка ном-

зодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилди. Партиялар сайловчилар билан мустақил учрашиш имконига эга бўлди".

Овоз бериш ва сайлов якунларини сарҳисоб қилиш жараёнини ҳолис баҳолаш мақсадида миссия Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан танишди. Сайлов кuni миссия пойтахтимизда, шунингдек, Тошкент вилоятининг шаҳар ва аҳоли пунктларида 2014 йил 21 декабрда овоз бериш учун маҳаллий вақт билан соат 6:00 дан 20:00 гача очик бўлган 73 сайлов участкасида бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

Soʻz — xalqaro kuzatuvchilarga

ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь кuni бўлиб ўтган сайлов жараёнини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юздан зиёд кузатувчи бевосита кузатиб борди. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:

— Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан тараққиётга эришди. Жамиятнинг барча жабҳаларида, хусусан, сайлов тизимида ҳам халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган тамойиллар жорий этилиб, у янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатингизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Бу ислохотларнинг самараси 21 декабрь кuni бўлиб ўтган сайловда яна бир қара намоён бўлди.

Сайловда кузатувчи сифатидаги иштирокчи халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданияти ҳақидаги таассуротларимни янада бойитди. Ўнлаб сайлов участкаларига бориб, амалга оширилган

ишлар билан яқиндан танишдим. Юртининг барча ҳудудларида сайловга қизгин ҳозирлик қўрилгани ва тадбир юқори савияда ўтганига гувоҳ бўлдим. Халқнинг кўтаринки кайфиятида, ташаббускорлик руҳида сайловда иштирок этди. Овоз бериш жараёнида тенглик, адолатлилик, ҳаққонийлик принципларига тўла амал қилинди.

Мамлакатингиз парламентига ўтган ушбу сайлов Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг янада кучайишига хизмат қилади. Партияларнинг фаоллиги ва партиялараро рақобат даражаси ошади. Бу Ўзбекистонда демократиянинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда.)

2014-yil 24-dekabr, № 102 (8751)

Умумтаълим фанлари бўйича анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган билимлар беллашуви мактаб ўқувчилари ўртасида йилдан-йилга оммалашиб, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Иштирокчилар қамрови кенгайиб бораётгани, хусусан, ўтган ўқув йилида беллашувнинг ҳудудий босқичларида 2 миллиондан ортиқ ўқувчи иштирок этгани бунинг ёрқин исботидир.

Ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқини кучайтириш, қобилият ва иқтидорини эрта аниқлаб, лаёқатларига мос касб-хунарга йўналтириш, таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитида ўзаро тажриба алмашувини йўлга қўйиш каби мақсадларни муассасам этган беллашувни ўтказиш тартиби янги тажрибалар асосида йил сайин такомиллашмоқда. Ўтган йилларда

ган беллашувнинг биринчи босқичида ғолиб бўлган ўқувчилар муассасанинг қайси халқ таълими бошқаруви органига бўйсунганидан қатъи назар, иккинчи босқичдан бошлаб умумий тартибда иштирок этади. Бунда ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун алоҳида, умумтаълим муассасалари учун алоҳида беллашув ташкил этилади.

Барча босқичларнинг очи-

— фан олимпиадасининг вилоят босқичи натижалари (туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларининг рейтингини аниқлаш жараёнида инobatга олинadi);

— “Инглиз тили билимдонлари” кўрик-танлови натижалари;

— “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови натижалари;

— “Йилнинг энг яхши мактаб директори” кўрик-танлови натижалари;

— таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш режасининг бажарилиши (туман

танлови натижалари.

Таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг рейтингини таълим сифати кўрсаткичлари асосида қуйидаги мезонлар орқали аниқланади:

1. Таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари таълим сифати кўрсаткичи бўйича дастлабки рейтинг бални ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувида (таълим муассасалари жамоаси дастлабки бални беллашувнинг туман, туман (шаҳар) жамоаси вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар жамоалари республика босқичида) қўлга киритадилар.

Билимлар беллашувининг

Dolzarb mavzu

вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларининг умумий ўртача балига фан олимпиадасининг ўртача бали ҳам қўшилади.

4. “Инглиз тили билимдонлари” кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўрин учун 20 балл, 2-ўрин учун 18 балл, 3-ўрин учун 15 балл, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши мактаб директори” кўрик-танловларининг республика босқичида 1-ўрин учун 10 балл, 2-ўрин учун 8 балл, 3-ўрин учун 5 балл, ушбу танловларнинг вилоят босқичида 1-ўрин учун 4 балл, 2-ўрин учун 3 балл, 3-ўрин учун 2 балл қўшилади.

5. Вакиллари “Йилнинг энг яхши тарбиячиси”, “Мак-

ТўРТ ЙИЛЛИК ТАЖРИБА ВА ЯНГИ ТАКЛИФЛАР

билимлар беллашувини ташкил этиш тартиби, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш механизми ҳамда баҳолаш кўрсаткичлари такомиллаштирилишига асос бўлаяпти

тўпланган тажриба ҳамда кенг педагогик жамоатчиликнинг таклифларидан келиб чиққан ҳолда билимлар беллашувини ташкил этиш тартиби, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш механизми, баҳолаш кўрсаткичлари ва методикасига муайян ўзгартiriшлар киритилди.

Жумладан, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчилари учун рус тили фани киритилиши ҳисобига бу йилдан бошлаб синовлар ўтказиладиган фанлар сони 17та этиб белгиланди.

Беллашувлар дарс жараёни ва ўқув режадаги дарс соатларининг ўтилишига ҳаёқат бермаслиги ҳамда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида синовларнинг барча босқичлари таътил вақтида қуйидаги муддатларда ўтказилади:


Биринчи (мактаб) босқич кишки таътил пайти — январь ойининг биринчи ўн кунлигида;

Иккинчи (туман, шаҳар) босқич баҳорги таътилда — март ойининг охириги ўн кунлигида;

Учинчи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) босқич ёзи таътил аввали — май ойининг учинчи ўн кунлигида;

Тўртинчи (республика) босқич июнь-июль ойларида, Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи ҳамда олувчиларининг навбат алмашиш муддатига мос равишда ташкил этилади.

Бу йилдан эътиборан, ўқув дастурига ажратилган дарс соатларининг миқдорини инobatга олган ҳолда билимлар беллашувини умумий ўрта таълим ва айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун алоҳида-алоҳида ташкил этиш белгиланди. Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим, муассасаларида ўтказил-



лиш маросимини кўтаринки руҳда ташкил этиб, маҳаллий ҳокимлик вакиллари, давлат мукофотлари билан тақдирланган фидойи инсонлар, фахрийлари таклиф қилиш тадбирлар савиясини янада ошириш, иштирокчилар ўртасида ўзаро ҳурмат, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим сифати параметрларини белгилаш тартибига ҳам муайян янгиланган киритилди. 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб, таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг таълим сифати кўрсаткичлари бўйича рейтингини таълим сифатини оширишга бевосита ва билвосита таъсир этувчи омиллар асосида кўп баллик тизим орқали аниқланиши режалаштирилган бўлиб, қуйидаги баҳолаш параметрлари бўйича эришилган ютуқлар асос қилиб олинади:

— умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувидида иштироки ва натижалари;

— таълим сифати мониторинги натижалари (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларининг рейтингини аниқлаш жараёнида инobatга олинadi);

(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларининг рейтингини аниқлаш жараёнида инobatга олинadi);

— “Энг яхши мактаб веб-сайти” кўрик-танлови натижалари;

— “Энг яхши ўқитувчи веб-сайти” кўрик-танлови натижалари;

— “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” кўрик-танлови натижалари;

— “Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича энг фаол ўринбосари” кўрик-танлови натижалари;

— илгор иш тажрибаларининг республика миқёсида оммалаштирилиши;

— Халқ таълими вазирлиги томонидан тасвир этилган педагогик инновацияларнинг амалиётга самарали жорий этилгани (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларининг рейтингини аниқлаш жараёнида инobatга олинadi);

— “Энг обод таълим муассасаси” кўрик-танлови натижалари;

— “Йилнинг энг яхши маънавий тарбиячиси” кўрик-

республика босқичида ўқувчилари фаол иштирок этган таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларини рағбатлантириш мақсадида уларга ўқувчилари 1-ўринни эгаллагани учун ҳудуддан иштирок этган вакиллари тўпланган умумий ўртача балнинг 50 фоизи, 2-ўринни эгалласа, 40 фоизи, 3-ўринни эгалласа, 30 фоизи миқдоридида рағбат баллари қўшилади ва бундай баллар ҳар бир ғолиб ўқувчига алоҳида белгиланади. Беллашувнинг республика босқичида 70дан юқори балл тўпланган ҳар бир ўқувчи учун 20 фоиз, вилоят босқичида 1-, 2-, 3-ўринлардан бирини эгаллаб, 70дан юқори балл олган ҳар бир ўқувчи учун умумий ўртача балга нисбатан 10 фоиз рағбат бали берилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг якуний рейтинг баллини аниқлаш учун ҳар бир ҳудудда ўтказилган таълим сифати мониторинги натижаси умумий ўртача балга қўшилади.

3. Фан олимпиадасининг вилоят босқичи натижалари қўра, туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,

таб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича энг фаол ўринбосари”, “Йилнинг энг яхши маънавий тарбиячиси” кўрик-танловлари республика босқичида 1-ўринни эгаллагани учун 10 балл, 2-ўрин учун 8 балл, 3-ўрин учун 5 балл ҳамда танловларнинг вилоят босқичида 1-ўрин учун 4 балл, 2-ўрин учун 3 балл, 3-ўрин учун 2 балл билан рағбатлантирилади.

6. “Энг яхши мактаб веб-сайти”, “Энг яхши ўқитувчи веб-сайти” кўрик-танловларининг республика босқичида 1-ўринни эгаллагани учун 10 балл, 2-ўрин учун 8 балл, 3-ўрин учун 5 балл қўшилади.

7. Ҳар бир таълим муассасаси ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларига ўқув йилида республика миқёсида илгор иш тажрибалари оммалаштирилган ҳар бир ўқитувчиси учун 10 балл қўшилади (иш тажрибалари Республика таълим марказининг илмий кенгашида тасдиқланган бўлиши шарт).

8. Халқ таълими вазирлиги ишчи ғуруҳи томонидан таълим сифати мониторинги жараёнида фаолиятни ўрганилган таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг “Дарс — муқаддас”, “Ўрган-ўргат”, “Соғлом муҳит — соғлом жамоа”, “Пухта ишланган режа — самарали натижа” каби педагогик инновацияларни амалиётга самарали жорий этганлик даражасига қараб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг якуний рейтинг балига ҳар бир инновация учун 5 балгача (жами 20 балгача) қўшилади.

Юқоридаги барча таълим сифати кўрсаткичлари бўйича тўпланган баллар жамланмаси ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасаларининг рейтингини белгилайди.

Маъруфжон ВАХОБОВ,
Халқ таълими вазирлиги
бўлим бошлиғи

2014-yil 24-dekabr, № 102 (8751)

Касби туманидаги Денов қишлоғига йўлингиз тушиб қолгудек бўлса, «Латиф аканинг коллежи» ибораси қулоғингизга чалиниши турган гап. Қишлоқдаги ёшу қари бунга шунчалик ўрганиб кетишган. Ҳа, таълим муассасасини шундай аташларида жон бор. Узоқ йиллардан бери касб-хунар коллежига Латиф Мирзакулов директорлик қилиб келади. Ёшлигидан қишлоқ хўжалиги ишлари ҳадисини олган раҳбарни эртаю кеч коллежда учратасиз.

Milliy dastur — amalda

лашга, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олишга ҳаржланади, — дейди директор. — Худди шунингдек, ўқув-қўғазма воқеалари базасини мустаҳкамлаш, меҳнат қуроллари сотиб олишга ҳам йўналтирилади. Коллежда ўтаётган маънавий ва маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритаётган ўқувчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ҳам ана шу маблаг ҳисобидан амалга оширилади.

Энг асосийси, коллеж микроҳудудларида ҳамда ўқув

миз дастурхонининг янада тўқин-сочин бўлишига ҳисса қўшмоқчиман. Ўз бизнес режамни ҳам тузиб қўйганман. Ўн миллион сўм миқдоридан кредит олмақчиман. Айни кунларда устозларим кўмағида барча керакли хужжатларни расмийлаштирмоқдамиз.

— Мен эса туманимизда тоғ-мат пастаси ишлаб чиқарадиган кичик корхона ташкил этмоқчиман, — дейди қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш йўналиши 3-босқич ўқувчиси Гулчехра Саидова. — Бизнинг

КАСБ ТАНЛОВИ — МУҲИМ БОСҚИЧ

1-Тошкент педагогика коллежиди «Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш муаммолари ва ечимлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Тадбирда Халқ таълими тизимидаги ташкилотлар, ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази ва унинг ҳудудлардаги бўлинмалари, олий, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари ва амалиётчи психологлари, илмий тадқиқотчилар иштирок этди. Анжуман ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуман

— Ҳаётда ўз ишини севган инсонгина касбидан камол топади, — дейди ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори ўринбосари Камолиддин Жўрабоев. — Бу ҳақиқатни ўқитувчи, ота-она ва ўқувчи яхши тушуниши керак. Ушбу анжуманда муҳим босқич — касб танловини тўғри амалга ошириш бўйича илгор тажрибалар ҳақида сўз борди, маҳалла, таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигини кучайтириш борасида тақлифлар билдирилди. Анжуманда ўқувчиларнинг онгли равишида касб танлашига эришишда педагоглар, амалиётчи психологларнинг касбий маҳорати ва компетентлигининг ўрни, муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

— Боланинг онгли равишида касб танлашида ўқитувчи ва ота-онанинг оқилона ва одилона муносабати жуда муҳим, — дейди анжуман иштирокчиси, Ўзбекистон тумани ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш педагогик-психологик диагностикасини таъминлаш кичик гуруҳи раҳбари Раъно Аҳмедова. — Ҳар бир боланинг қайсидир соҳа ва фаолиятга қобилияти бор. Ана шу қобилиятни тўғри йўналтиришда психологик хизматнинг ўрни бекиёқ. Қолаверса, мактаб ўқувчининг қизиқиш, лаёқат ва қобилиятини тўғри йўналтириш таълимнинг кейинги босқичларидаги ўқув жараёнининг ҳам самарали кечишини таъминлайди. Анжуманда шулар ҳақида фикр билдириб, фаолиятимдан мисоллар келтирилди.

Конференция иштирокчилари хулосалари асосида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган яқини тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat мухбири»

Санобар ЖУМАНОВА

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Касби туманидаги Денов қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи жамоаси аҳоли дастурхони тўқин бўлишига муносиб ҳисса қўшяпти

қончилик ишларига бош-қош бўлишади.

— Бу каби қишлоқ хўжалиги ишларининг бир маромда ташкил этилиши ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда асқотса, иккинчи томондан, улар келгусида ўз касби-корининг ҳақиқий эгалари бўлиб шаклланади, — дейди Латиф Мирзакулов. — Масалан, коллежнинг агрономия ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш йўналиши ўқувчиларининг барчаси дарахт ниҳолларини пайвандлашни жуда яхши ўрганишган. Бу эса келажақда ўз самарасини бериши аниқ. Дейлик, ўқувчи коллежни битиргандан сўнг мевали ҳамда манзарали дарахт ниҳоллари етиштириш бўйича тадбиркорлик қилмоқчи. Бунда, албатта, ўқиб давомиди ўрганганлари унга кўл келиши тайин. Ёки иссиқхона ташкил этиб, полз экинларини етиштиришни кенг йўлга қўймоқчи бўлса ҳам. Коллеж ҳовлисида етиштирилган мева кокиларидан қиш кунларида муассаса ошхонасида шифобахш ичимликлар тайёрланиб, ўқувчиларга берилади. Бу эса киши организмни учун керакли витаминларга бўлган эҳтиёжни қондириб, ўқувчилар билим олиш даражасини янада оширади.

Ўқув муассасасининг ўқув хўжалиги ер майдони 20 гектар бўлиб, экин майдонларининг барча қисми обикор ерлардир. Ўтган ишлаб чиқариш йилида коллеж жамоаси 10 гектарга қадалган чигитдан пахта ҳосилдорлигини 35,5 центнердан оширди. Беш гектар ерга экилган галладан етти миллион сўмдан ортиқ, сабзавот ва полз экинларидан бир миллион, қишлоқ хўжалигидан жами ўттиз беш миллион сўм даромад олинди. Коллеж иссиқхонасида етиштирилган лимон ҳосилидан олти юз минг сўм, мевали ва манзарали дарахт ниҳолларидан ҳам шунча фойда кўрилди.

— Бюджетдан ташқари ишлаб топиладиган маблағлардан маълум қисми ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашга сарфланса, яна бир қисми эса кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувват-



хўжалигидаги барча қишлоқ хўжалиги ишларини, яъни ерни шудгорлашдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган жараёнларнинг барчасини ўқувчилар устозлари бошчилигида ўзлари муваққил бажаришади. Бу эса уларнинг ўз касб-корларини янада пухта ўрганишларида асосий омил бўлиши тайин.

Дарвоқе, тузилган уч томонлама шартномага кўра ўтган ўқув йилида коллежни битирган 266 нафар йигит-қизларнинг барчаси бугунги кунда ўз иш ўрнига эга. Бу йилги 278 нафар битирувчининг ҳам ишга жойлашиши бўйича корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзоланмоқда. Бу йўлда коллеж раҳбарияти, ота-оналар ҳамда иш бевури корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари олиб боришмоқда.

Ҳа, халқимизда «Излаган имкон топади» деган пурмаъно нақл бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. «Латиф аканинг коллежи»га келдим-у, тўғузатса ҳар кимнинг ҳам қўли ойга етгудек имкониятлар мавжуд эканига амин бўлдим. Бунга коллежда таълим-тарбия олиб, касб-хунар ўрганаётган йигит-қизлар билан суҳбат чоғида яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Коллежни тугатганимдан сўнг иссиқхона ташкил этиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман, — дейди агрономия йўналиши 3-босқич ўқувчиси Махбуба Амброва. — Иссиқхонамда, албатта, чўл шароитида бўлса-да, лимон етиштираман. Шу орқали эли-

ЯЛҚОВ ДАРАХТГА 11 КУНДА ЧИҚАДИ

Мантикий масалалар жавоблари

Газетамизнинг ўтган – 2014 йил 20 декабрь сонида математика фани ўқитувчилари Абдусаттор Бердикулов ва Муножот Бердикулова томонидан таклиф этилган мантикий масалаларнинг жавобларини навбатдаги сонимизда эълон қилишни ваъда берган эдик. Аминмизки, бунгача ўқитувчилар масалаларни ечиш юзасидан ўқувчилар билан ишлаб, уларни жавобларни топишга, мустақил ишлашга қизиқтира олди.

Қуйида мантикий масалалар тўғри жавоблари билан бирга эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

1. Дорихонада 1, 2, 4, 8, 16 грамм тарози тошлари бор. Паллал тарозидан 23 граммни ўлчаш мумкинми? Жавоб: $16 + 4 + 2 + 1 = 23$ г.

2. Агар китобнинг 60 varaғи 1 см. бўлса, 240 бетлик китоб varaқларининг қалинлиги неча см. бўлади? Жавоб: 2 см. (изох: 1 varaқ 2 бетга тенг).

3. Иккита кумсоатнинг бири 3 минутлик, иккинчиси 7 минутлик. Тухумни қайнаб турган сувга солиб, роппа-роса 4 минут ушлаб туриш керак. Кумсоатлар ёрдамида бу ишни қандай бажарса бўлади? Жавоб: иккиси баробар қўйилади, 3 минутлик кумсоат тугаши билан тухум қайнаб турган сувга солинади.

4. Катта столнинг тўртта бурчаги бор. Битта бурчакни арралаб ташладик. Нечта бурчак қолди? Жавоб: 5 та.

5. 0, 1 ва 5 ёрдамида ёзиш мумкин бўлган барча уч хонали сонлар-

ни ёзинг. Рақамлар фақат бир марта ишлатилади. Жавоб: 105, 150, 501, 510.

6. Бешта 1 ва айирув амали ёрдамида 100 сонини ҳосил қилинг. Жавоб: $111 - 11 = 100$.

7. 4 га бўлинадиган энг катта икки хонали сонни кўрсатинг. Жавоб: 96.

8. Учта узукнинг бири қалбаки бўлиб, ҳақиқийларидан енгил. Паллал тарозидан бир марта тортишда қалбакисини топинг. Жавоб: ҳар бир паллага биттадан қўйилади. Енгил қалбаки бўлади. Тенг келса, тарозига қўйилмагани қалбаки бўлади.

9. 5 литрлик челақ ва 3 литрлик шиша идиш ёрдамида ҳовуздан қандай қилиб 4 литр сув олиш мумкин? Жавоб: 3 литрлик челақ билан 5 литрлик челақка икки марта сув қуямиз — 1 литр қолади. 5 литрни бўшатиб, унга қолган 1 литрни ва 3 литрни қуямиз.

10. Врач Алига ҳар 20 минутда ичиш учун 4та таблетка берди. Али

уларни неча минутда ичиб тугатади? Жавоб: 60 минут.

11. Соат 30 секундда 6 марта бонг урса, 12 марта бонг уриши учун неча секунд керак? Жавоб: 66 секундда (ҳар икки бонг ораси 6 секунддан).

12. Учтинчи қаватгача 60та зина бўлса, ҳар бир қават орасида нечадан зина бор? (Биринчи қаватгача зина йўқ деб ҳисоблансин). Жавоб: 30тадан.

13. Ундан қанча олсанг, шунча катталашади. У нима? Жавоб: ўра.

14. Иккита ўнни учта ўнга кўпайтирдик. Нечта ўн ҳосил бўлди? Жавоб: 60та ўн.

15. Ака ўйдан мактабгача 30 минут, ука 40 минут юради. Агар ука акадан 5 минут олдин йўлга чиққан бўлса, акаси унга неча минутда етиб олади? Жавоб: 15 минутда.

16. Ялқов дарахтга кун бўйи 10 метр кўтарилади ва кечкурун 9 метр пастлайди. Кун ёриши билан яна кўтарилади. Кечкурун яна пастга ва ҳоказо. Ялқов баландлиги 20 метрлик дарахт учига неча кунда чиқади? Жавоб: 11 кунда дарахтнинг учига кўтарилади.

17. Нон бўлагининг бир томонини кизартиришга 1 минут кетади. Товага фақат 2 бўлак сиғади. 3та нон бўлагининг ҳар икки томонини кизартириш учун неча минут кетади? Жавоб: 3 минут (изох: нон бўлакларини товага алмаштириб

солиш ҳисобига вақт тежаллади).

18. Ушбу 21, 19, 30, 25, 3, 12, 9, 15, 6, 27 сонларидан қайси учтасининг йиғиндиси 50 бўлади? Жавоб: 19, 25, 6.

19. Шаҳардан 32 км масофадаги қишлоққа томон 12 км/соат тезлик билан велосипедчи, қишлоқдан шаҳарга томон 4 км/соат тезлик билан йўловчи бир пайтда йўлга чиқди. 2 соатдан сўнг улардан қайси бири шаҳардан узокроқда бўлади? Жавоб: тенг масофада.

20. Томонлари 3 см бўлган, бўялган, куб шаклидаги ёғоч 1 см.лик кубчаларга арралаб ажратилди. Уч томони бўялган кубчалар неча? Икки томони бўялганлари-чи? Жавоб: 8тадан.

21. Али дарёга балиқ овига боради. Бир гал пиёда бориб, ортига велосипедда қайтди ва йўлга 40 минут вақт сарфлади. Бошқа сафар фақат велосипедда бориб келди ва йўлга 20 минут вақт кетди. Пиёда бориб келиш учун Али йўлга қанча вақт сарфлайди? Жавоб: 60 минут.

22. 3та товук 3 кунда 3та тухум қўяди. 12 та товук 12 кунда неча тухум қўяди? Жавоб: 48та.

23. Югуриш йўлкаси четига бир хил масофада қозиклар қўйилган. Биринчи қозикдан югуриш бошланади. Агар чопётган ўқувчи 12 минутда 4-қозикка етган бўлса, яна неча минутдан кейин 7-қозикка етади? Жавоб: 12 минутдан кейин.

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ШУНЧАКИ ЎТМАЙДИ

Оппада

Қиш бошланиши билан болалар Янги йил байрамини кута бошлайди. Шу лаҳзаларда бегубор орзулари ушалишини жуда-жуда истаиди. Фарзандларимизнинг ҳавасини эътиборга олиб, ҳар йили биринчи қор ёққан кунни оиламизда Янги йил элчисининг тугилган кунни сифатида нишонлайдиган бўлдик. Одатга кўра, шу кунни уч фарзандимиз богчада ва мактабда ўрганганларини — зукколигини намойиш этиши, Янги йил тилақлари ва орзусидаги байрам совғаларини ёзиб, ёстигининг тагига қўйиши лозим. 4-синфда ўқийдиган қизимиз ўз орзуларини иншо тарикасида ёзиб, фикрларини асослашга, бадий бўёдорликка алоҳида эътибор қаратибди. Яқинда бўладиган бадий гимнастика мусобақаси учун бежирим кийим жуда зарурлигини ҳам эсидан чиқармабди. Бу йил 1-синфга чиққан ўғлимиз ёзишни ўрганганини кўз-кўз қилгиси келиб, ўзи ясаган арчанинг ёнига шундай ёзиб қўйганди: «Yam-yashil archa, sen tabiat malikasisan. Yangi yilda hamma bolalar atrof-muhit himoyachisiga aylanishini istayman!». Уйин-қароқ ўғлимизнинг ўқувчи бўлгани истигининг улғулашганидан шундоққина сезилиб турарди. Богчадаги



руҳланган болалар одобли бўлишга интилади, фақат совға олишни эмас, шунга муносиб бўлишни ҳам ўйлайдилар.

Мактабгача таълим муассасасида

Арча атрофида йиғилган болалар хурсандчилигини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Чунки кичкинтойлар дўстлари даврасида ёдлаган шеърларини айтади, эртақ қаҳрамонлари

кичимларини кийганида сирли-сеҳрли оламга тушиб қолгандек сезишади ўзларини. Хўш, богчада Янги йил тадбири қандай ўтказилса, янада самарали бўлади?

— Ҳар бир байрам ва яхши кунлар болаларнинг фаоллигини оширади, атрофдаги ўзгаришларга дахлдорлигини таъминлайди, — дейди Юнусобод туманидаги 480-МТМ тарбиячиси Раъно Мухашева. — Янги йил байрамини мазмунли ўтказиш учун «Ким эпчил?», «Мен кимман?», «Ким томондасан?», «Қис-қичбақа», «Битта ушў» ўйинларини уюштирамиз. Кичкинтойлар зукколиги ва чакқонлиги эвазига совға билан тақдирланади. Бундан ташқари, совғалар фақат ширинликлардан иборат бўлиши ҳам тўғри эмас. Бу бола саломатлигига зиён етказмай. Ўғил-қизларни ўқув қуроллари билан хурсанд қилган афзал. Айрим ота-оналар фарзандларига иложи борича қимматбаҳо совғалар олишга ҳаракат қилади. Афсуски, болани совға нархи билан қизиқтириш ва бошқаларни билан солиштиришга ўргатиш жуда хунук ҳолат.

Мактабда

Мактабда Янги йил тадбири ўқувчиларни излашишга ундаши билан ажралиб туради. Айниқса, бошланғич синфлар хонани бе-



затиш учун турли ўйинчоқлар ясашга қизиқади. Ясаган арча безаклари учун ус-тозидан рағбат эшитади. Бу эса уларда ўз-ўзидан қониқиш, яна олдинга интилиш руҳини пайдо қилади.

Сергели туманидаги 6-ИДУМнинг бошланғич синф ўқитувчиси Роҳила Асраева Янги йил байрамидан болалар тасаввурини кўриш асосида ижодкорликка чорлаш лозимки, бу ҳам бегубор тасаввурларини бойити. Демак, Янги йилда болаларни фақатгина совға қутишга ўргатиш эмас, улардаги иштиёқдан фойдаланиб, имкониятларини ишга солишга, ўз-ўзини баҳолашга ўргатиш ҳам мароқли, ҳам фойдали бўлади. Асосийси, байрам шунчаки ўтмайди, фарзандларимиз келгуси йил якунигача таассуротлар оғушида яшайди.

— 4-синфда «Менинг сарҳисобим ва янги йилдаги мақсадларим» мавзусида иншолар танловини ўтказаман. Бу йилги танлов учун ёзилган 32та иншо ҳам жуда ранг-баранг. Болалар қандай ютуқларга эришгани, мусобақалардаги иштироки ва келгуси йилдаги мақсадлари, ҳатто қайси камчиликлари бўлганини, уларни албатта бартараф этишини ҳам айтишган. Бу

боланинг ўзини ўзи баҳолаш, ўз шахси қаршисида масъулиятли бўлиши, вақтининг қадрини англаб етишида асқотайди.

Бугунги кун боласи анча зийрак, тараққиёт таклиф этаётган тайёр махсулотларга осонгина эришиш мумкинлигини ҳам тушунади. Шу боис болаларни байрамларга тайёргарлик кўриш асосида ижодкорликка чорлаш лозимки, бу ҳам бегубор тасаввурларини бойити. Демак, Янги йилда болаларни фақатгина совға қутишга ўргатиш эмас, улардаги иштиёқдан фойдаланиб, имкониятларини ишга солишга, ўз-ўзини баҳолашга ўргатиш ҳам мароқли, ҳам фойдали бўлади. Асосийси, байрам шунчаки ўтмайди, фарзандларимиз келгуси йил якунигача таассуротлар оғушида яшайди.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

2014-yil 24-dekabr, № 102 (8751)

Тупроққа қанча эътибор берилиб, ўғит билан таъминланса, шунча мўл ҳосил беради. Шу каби инсон онгу шуруни маънавий бойликка тўлдирадиган муқаддас нарса бор, бу шак-шубҳасиз китобдир. Китобга замон тўлқинларин ёриб ўтиб, қимматбаҳо юкларни авлоддан-авлодга етказиб берувчи тафаккур кemasи, деяр таъриф берилади. У доғишмандликнинг асоси, таълим берувчи устоз, ақл ва билимнинг ҳосили. Бугун айрим давраларда «Ёшлар компьютер технологиялариға муккасидан кетаяпти. Улар дарслик ёхуд бадиий адабиёт, умуман, китобларни қўлга олмаяпти», деган мазмундаги хавотирли фикрларни эшитиб қоламиз. ТАТУ ахборот-ресурс марказига борсангиз, бундай хавотирға ўрин йўқлигига амин бўласиз. Бир кунда бу ерга 600га яқин талаба таширф буюради. Марказнинг китобхоналари сони 6000 дан зиёдни ташкил этади. Ахборот-ресурс марказининг иккинчи қисми — электрон кутубхона бўлими 12 минг китобхонға хизмат кўрсади.

Ахборот-ресурс марказида бўлган киши улкан фонди аънавий ва электрон кутубхона гавжумлигидан хайратланади. Бу ердаги қулайлик ва шарт-шароитлар катта меҳнат махсули эканини дарров пайкайсиз. Ахборот-ресурс маркази электрон каталогини шакллантириш, фаолиятини автоматлаштириш мақсадида университет олимлари томонидан «KARMAT» дастури яратилган ва ахборот-ресурс маркази фаолиятига татбиқ этилган. «KARMAT» дастури бўйича электрон кутубхона библиографик фондига электрон китоблар, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий мажмуалар киритилган. Ушбу дастур юртимиз олий таълим муассасаларининг ягона электрон каталогига уланган бўлиб, фойдаланувчиларға барча олий таълим муассасаларининг йиғма электрон каталогидан фойдаланиш имкониятини беради. «KARMAT» дастурининг <http://karमत.tuit.uz> сайти орқали университетнинг бешта худудий филиалларидаги талаба ва профессор-ўқитувчилар ҳам электрон ресурслардан фойдаланиб келишмоқда. Демак, бой хазинаға нафақат университетнинг ўзида, балки корпоратив тармоқ орқали Фарғона, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Қарши филиалларидан туриб ҳам мурожаат этиш мумкин.

— Ахборот-ресурс маркази ўқув жараёни ичидаги иккинчи аудитория, десак муболага бўлмайди, — дейди университет АРМ мудир Малика Мухаммедова. — Сабаби, ҳар бир талаба ахборот-ресурс марказидан ўзига зарур китобни топади ва қўзланган билим манбаига эға бўлади. Қолаверса, бой фонддан ташқари ахборот-ресурс маркази ходимининг самимий ва дўстона муносабати, ўқув залларидаги сокинлик ҳам талабанинг билим олишға иштиёқини оширади. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар мутолаа қиладиган адабиётлар ўртасидаги тафовутни инобатға олган ҳолда уларға хизмат кўрсатувчи залларнинг ҳам алоҳидалиги диққатға сазовор.

лан танишиши ўқув адабиётлари бўлимидан бошланади. Шу ерда китобхонлар аъзо бўлиб, гувоҳномаға эға бўладилар.

— Энг кўп сўралувчи адабиётларни тезкор узатиш учун бўлимимиздаги китобларни махсус кетма-кетликда жойлаштирганмиз, — дейди ижтимоий-иқтисодий ва чет эл адабиётлари бўлими ходими Маъмура Рустомова. — Айниқса, илмий журналларға кўп мурожаат этишади. Икки ҳафтада кайтариш шарти билан китоблар уйда ўқишға ҳам берилади.

— Ёшлар мутахассислигига оид билимларни эгаллаш билан бирға, маънавийтни бойитувчи бадиий адабиёт-

ларнинг кўплиги китобхоналарға мана шундай тор мавзу доирасида сифатли хизмат кўрсатишни тақозо этади. Бундан ташқари, мавзу ёки янги адабиётлар бўйича ҳар ҳафтада китоблар кўргазмасини ташкиллаштирамиз.

Мазкур ўқув залида китобни ўзига дўст тутиб билим чўққилари томон талпинаётган талаба йигит эътиборимизни тортди. Уни суҳбатға тортганимизда олий таълим муассасасидаги шарт-шароитлар ҳақида гурурланиб гапирди:

— Исталган китобни, хоҳлаган мавзудаги маълумотларни қийинчиликсиз топа оламиз, — дейди телекоммуникация факультети 2-

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

талаба учун иккинчи аудитория



Аҳамиятлиси, бу ерда нусхаси кам бўлган китоблар етишмовчилигининг олдини олиш, умуман қулайлик яратиш мақсадида, барча китобларнинг электрон версияси яратилиб, электрон база бойитиб борилмоқда. Ҳозир АРМнинг умумий фондида 41738 номдаги адабиётлар мавжуд. Уларнинг 24157 (100432 нусха) таси илмий адабиётлар, 1345(33890 нусха) таси дарсликлар, 2655(157802 нусха) таси ўқув қўлланмалари, шунингдек, хорижий ва бошқа манбалардан иборат. Университет талабалари, профессор-ўқитувчилар ва ходимлардан ташқари турдош олий таълим муассасалари, университетға бириктирилган ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари вакиллари, малака ошириш курслари тингловчилари ва телекоммуникация соҳасида фаолият олиб борувчи ходимларға ҳам эшигимиз очик.

Аънавий китоб бериш бўйича ижтимоий-иқтисодий ва чет эл адабиётлари, бадиий адабиётлар, қабул қилиш, жамлаш ва каталоглаштириш, фондни сақлаш, илмий-методик каби бўлимлар фаолият олиб боради.

Ҳужжатларни сақлаш ва хизмат кўрсатиш тизимига кўра, марказ 4 бўлимға ажратилган. Талабаларнинг ахборот-ресурс маркази би-

ни ҳам мутолаа қилишлари зарур, — дейди бадиий адабиётлар бўлими бошлиғи Зулфия Дадашова. — Ёшларнинг маънавий дунё-қараши ривожланишида, тўғри йўналиш олишида бадиий асарларнинг ўрни бекиёс. Талабалар қайси китобларни ўқиш бўйича маслаҳат ҳам сўрашади, ўзим ҳам бўш вақтларимда кўп китоб ўқиганим учун яхши китобларни тавсия қиламан.

Маркетинг-ахборот узатиш бўлими ахборот-ресурс марказининг энг катта бўлими. Бу ерда китобхон талабига кўра маълумотлар йиғилади ва тарқатилади.

— Биз ҳужжатларни манзил, мавзули, ўлкашунослик бўйича ва ёзма равишда узатамиз, — дейди ахборот-ресурс марказининг етакчи мутахассиси Гулнора Наврўзова. — Мақсадимиз — битирув-малакавий ишлари, магистрик диссертациялари устида ишлаётган талабаларға қулайлик яратиш. Масалан, магистрик диссертацияси мавзусига қараб, унга тааллуқли адабиётларни топиб берамиз. Илмий тадқиқотчилар ҳам бўлим хизматиға сўянишади. Дарслик, ўқув адабиётлари, илмий адабиётлардан ташқари, журналларнинг қайси сонида шу мавзуга доир қандай мақола чиққанини ҳам кўрсатиб беришимиз мумкин. Китоб-

босқич талабаси Ислон Шарипов. — Мутолаа залларидаги компьютерлар ёрдамида электрон китоблардан ҳам бемалол фойдаланамиз. Wi-Fi худуди интернетдан ҳам эркин фойдаланишимизға шароит яратади.

Кўриниб турибдики, ўқув жараёни дарс соатларининг ўзида тугамайди, мустақил таълим яхши йўлга қўйилган. Бунда эса электрон кутубхонанинг ҳиссаси улкан экани аён бўлаётти. Айни кунда электрон китоблар фонди 11413 номда, шулардан 2254таси дарслик, 3838 таси ўқув қўлланма, 4807таси илмий адабиётлар, 197таси хорижий ва бошқа нашрлардир. Республика электрон кутубхона маркази китобларни рақамлаштириш ишлариға катта улуш қўшиб келмоқда. Талабалар ва профессор-ўқитувчилар томонидан бир йил давомида электрон нашрларға 58 мингдан ортиқ мурожаатлар бўлади. Ахборот-ресурс марказининг 2та замонавий сервери мавжуд бўлиб, қарийб 40 Гб ҳажмидаги электрон матнли ресурслар сақланади. Уларнинг барчаси library.tuit.uz сайтида жойлашган.

— Ахборот-ресурс маркази фойдаланиш кўрсаткичларига назар соладиган бўлсак, электрон ресурсларға мурожаатлар сони ошиб бораётганини кўриши-

Jarayon

миз мумкин, — дейди электрон кутубхона бўлими ходими Феруза Камилова. — 2013 йили электрон ресурсларға 57873та мурожаат келиб тушган, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида эса 31723 мурожаат қабул қилинди. Аънавий китобларға рақамлаштирилган китобларға қараганда эҳтиёж ва талаб кучлироқ. Бу кўрсаткич 2013 йилда 207157тани, жорий йилнинг 9 ойида 119613тани ташкил этди. Электрон китоблардан ўқув залларидан ташқари кафедраларда туриб ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахборот-ресурс маркази фонди замонавий ўқув адабиётлари билан мунтазам тўлдириб борилади, жумладан, 2013 йили ахборот-коммуникация технологиялари йўналишиға 287 номда 3302та юртимиз ва хорижда чоп этилган ўқув адабиётлари келтирилиб, нусхалари худудий филиалларнинг ахборот-ресурс марказларига ҳам тақдим этилди.

— Ахборот технологиялари энг жадал ривожланаётган соҳа, — дейди қабул қилиш, жамлаш ва каталоглаштириш бўлими бошлиғи Шаҳноза Абдумаликова. — Шу боис телекоммуникация, ахборот технологиялари, хусусан, дастурий инжиниринг йўналишидаги адабиётлар тез-тез янгиланиб, энг сўнгги илм-фан ютуқлари билан бойитиб турилади. Янги адабиётларни мавзуларига қараб бўлимларға тарқатиш зиммимиздаги вазифа. Китоблардан ташқари, газета-журналлар ҳам бўлимимизға келиб тушади. Қандай адабиётларға талаб борлигини ўрганиб, бу жараёнда ҳеч бир жиҳат очик қолмаслигига эришиш ҳам ахборот-ресурс марказининг муваффақиятли фаолиятини таъминлайди.

Ахборот-ресурс марказидан чиқаётганимизда китобға эътиборнинг яна бир намунаси — янги адабиётлар кўргазмаси ташкил этилганининг гувоҳи бўлди. Янги китоблар билан танишаётган профессор-ўқитувчилар бу ерда мавзули китоблар кўргазмалари кўллаб ташкил этилишини таъкидлашди. Қолаверса, марказдаги кафедра кунлари, битирувчилар кунлари адабиётларни очик кўриш, бемалол танишиш, маълумотларни шарҳлаш имконини бериши ҳам марказ фаолиятининг яна бир ижобий таърибасидир. ТАТУнинг ахборот-ресурс маркази билан танишиб, алломалардан бирининг «Яхши кутубхона коинотнинг инъикосидир» деган фикри ёдимизға тушди.

Санобар ЖУМАНОВА,
Хурлиман НУРЖАНОВА

Б.РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати,
профессор-ўқитувчилари
ва талабалари жамоаси барча
юртдошларимизни
янги — 2015 йил билан
самимий муборакбод этади!
Ҳар бир оилата тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака тилаймиз.
Янги йилда мамлакатимизни янада
юксалтириш йўлидаги эзгу
меҳнатларингизда омад
ва зафарлар ёр
бўлсин!

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗЛАР!





AGROBANK



Aziz yurtdoshlarimizni kirib kelayotgan yangi — 2015-yil bilan muborakbod etgan holda quyidagi xizmat turlarini taklif etamiz

“INTERNET-BANKING” — to'lovlaringizni masofadan turib amalga oshiring

“SMS-BANKING” — hisob raqamingizdagi mablag'lar harakati to'g'risida doim xabardor bo'ling

Agrobankda “CLICK” hisob raqamini oching va barcha to'lovlarni mobil aloqa yordamida amalga oshiring

Yuridik shaxslar uchun mo'ljallangan depozit sertifikatlari orqali pul mablag'laringizni ko'paytiring

Xalq farovonligi faoliyatimiz mezon

2014-yil 24-dekabr, № 102 (8751)

ИНТЕРНЕТГА ҚАРАМЛИК ГЕОГРАФИЯСИ ЎРГАНИЛДИ

Олимлар дунё миқёсида интернетга қарамлик ҳолатини ўрганиб чиқиб, глобал тармоқ фойдаланувчиларининг 6 фоизи ушбу муаммодан азият чекади, деган хулосага келишди. Бу ҳақидаги маълумотлар кибер-психология ва ижтимоий тармоқларга оид тадқиқотларни ёритувчи "Cyberpsychology, Behavior and Social Networking" илмий журналида эълон қилинди.

Гонконг университети психологлари Цецилия Чен ва Эн-жел И-Йэм Ли томонидан 1996—2012 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилиб чиқилди. Бунда дунёнинг 31 мамлакатида истикомат қилувчи 89 мингдан зиёд кўнгиллини қамраб олган 80та тадқиқот иши танлаб олинди. Таҳрибалар вақтида қатнашчилар махсус ишлаб чиқилган "интернетга қарамлик тести" ёки "Янг сўровномаси" саволлари-га жавоб беришган.

Яқини ҳисоб-китобларга кўра, дунё миқёсида ўртача 6 фоиз интернет фойдаланувчилари унга қаттиқ боғланиб қолган. Бу кўрсаткич Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасидаги давлатлар аҳолисида, айниқса, юқори экани маълум бўлди — 10,9 фоиз. Шимолий ва Ғарбий Европада истикомат қилувчилар орасида эса энг кам — 2,6 фоиз. АҚШ ҳиссасига 8 фоизлик улуш тўғри келган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, интернетга қарамлик унга тизгинсиз равишда боғланиш истаги, тармоқ мавжуд бўлмаган ҳолда эса асабийлик, ноқулайликни ҳис этиш, ўргимчак тўридан чиқиб кета олмаслик каби аломатларни ўз ичига олади. Кўпчилик мутахассислар интернетга қарамлик саломатлик учун зарарли экани, ундан халос бўлиш учун даво чораларини кўриш лозимлигини таъкидлашса-да, замонавий тиббиёт уни руҳий касаллик сифатида тан олганича йўқ.

ҚУШЛАР ТЎФОН БОШЛАНИШИНИ ҚАНДАЙ ҲИС ЭТАДИ?

2014 йилнинг баҳорида АҚШлик бир гуруҳ олимлар "Vermivora chrysoptera" турига мансуб олтинранг қанотли митти қушчаларни кузатар экан, ғайриоддий ҳолатга дуч келишди. Оғирлиги бор-йўғи 9 грамм келаётган мазкур сайроқилар тўсатдан ўз инларини ташлаб кетишга қарор қилган.

Бироз муқаддам Колумбиядан Флоридагача бўлган беш минг километрлик масофани босиб ўтиб, қишлаш учун келган қушчаларнинг яна ортга қайтиб кетгани олимларни ҳайратлантирди. Бироқ апрель ойининг охирига қадар бориб мамлакат жанубида содир бўлган кучли бўрон ва 84та торнадо 35 кишининг



ҳаётдан кўз юмишига, 1 миллиард доллардан зиёд моддий талафотларга олиб келгани масалага ойдинлик киритди.

"Current Biology" журналида эълон қилинган янги тадқиқот ишида сайроқи қушчалар ноқулай об-ҳаво яқинлашиб келаётганини олдиндан пайқгани таъкидланган. Олимларнинг қайд этишича, қушчалар бўронлардан чиқаётган қисқа частотали инфратошуларни ҳис этишган. Шу орқали улар кўп куч сарфлаб бўлса ҳам ўзларини табиий офатдан асраб қолишган.

"Аввалига биз қушларнинг бундай ҳаракатидан ҳайрон қолгандик, бироқ кейинги кузатувлар қушлар ўйлаганимиздан кўра ақлироқ эканини кўрсатди", дейди тадқиқотчилардан бири, Миннесота университети эколог Гуннар Крамер.

Олимлар қушчаларнинг мавсумий кўчишларини ўрганиш мақсадида уларга митти геолокаторлар ўрнатишган эди. Ушбу энгил мосламалар бир неча дақиқа ичида қушча жойлашган ҳудуднинг аниқ координацияси ҳақидаги маълумотни қайд этиб туради.



«ГУГЛОМОБИЛ»НИНГ ТАКОМИЛЛАШГАН НАМУНАСИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

"Google" компанияси ўзининг "келажак машинаси" дея эътироф этилаётган, тўлиқ автономлаштирилган автомобиллини яратиш ишларини якунлади. Ҳайдовчисиз бошқарилувчи ушбу автоулов жорий йил май ойида тақдим этилган "гугломобил"нинг такомиллашган ва тўлиқ якунланган намунасиدير.

"Google" компанияси ходимларининг қайд этишича, илк модел намоёйиш этилангандан сўнг бир вақтда бир неча намуна устида изланишлар давом эттирилган. Автомобилнинг тўхташ, сенсор ва бошқа тизимлари такомиллаштирилган. Якунда мазкур тизимлар ягона марказий бошқарув тизимига бирлаштирилди. Аввалги намунадан фарқи равишда, унинг томига ўрнатилган сезгир қурilmалар блоки ихчамлаштирилиб, оддий сирена кўринишига келтирилган.

Автомобиль дастлаб киши таътил кунлари тор доирада, сўнгра умумий фойдаланишдаги йўللарда тўлақонли синовдан ўтказилади. Синов даврида ҳайдовчи қутилмаган вазиятларда автомобилни бошқариш учун рул чамбарагидан фойдаланиши мумкин.

С.РУСТАМОВ, О.КУЛМУРОВА тайёрлади.

реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси

барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан қутлайди!
Халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларда барчага омад ва зафарлар тилаймиз.
Янги йилда оилавий бахт, мустақкам соғлиқ ҳамроҳингиз бўлсин!

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗЛАР!

Тошкент шаҳри Сергели тумани 4-мавзё 17-уй 109-хонадонга тегишли бўлган, Попенко Марина Викторовна номига расмийлаштирилган кадастр ҳужжати ҳамда шу хонадонга тегишли олди-сотди шартномаси йўқолгани сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат техника университети жамоаси, механика-машинасозлик факультети «Материалшунослик ва материаллар технологияси» кафедраси доценти Файзулла Норхужаевга отаси
РАМАЗОН НОРХУДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Республика таълим маркази жамоаси «Ижтимоий, иқтисодий билим асослари ва маънавий-маърифий ишлар» бўлими бошлиғи Н.Исмаиловга отаси
ҚАМАРИДДИН отанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Республика таълим маркази жамоаси Миробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошлиғи ўринбосари О.Корчугановга онаси
НЭЛИ КОРЧУГАНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 320-мактабда миллий ғоя туркумига кирувчи фанлар ойлиги муносабати билан «Ёшлар — келажагимиз эгалари» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Туман ХТМФМТТЭ бўлими томонидан ўтказилган тадбирда ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтиришда миллий қадриятларнинг ўрни, оила—мактаб—махалла ҳам-

корлигини ривожлантириш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, қизларни ҳаётга тайёрлаш мавзуларида фикр алмашилди.

— Бугунги ёшлар интилув-

чан, қизиқувчан. Уларнинг ана шу қизиқишу интилишини тўғри йўналтириш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ, — дейди мактаб директори Нуриддин Сайдуллаев. — Бу борада педагог ота-оналар, маҳалла аҳли билан баҳамжиҳат иш олиб бориши лозим. Ўқувчилар таълим-тарбиясида маънавий-маърифий тадбирлар, фан ва спорт тўғрақларининг ўрни муҳим. Мактабимизда ташкил этилган тўғрақларда болалар билимларини мустаҳкамлаб, касб-хунар сирларини ўрганмоқда. Спортга қизиқувчи ёшлар учун ҳам барча шароитлар яратилган.

Тадбир якунида «Ораста қизлар» ва мусиқа тўғраги аъзолари томонидан куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

SHahning HRIM Ta'lim

Abituriyentlar uchun yangi elektron testlarni endilikda O'zbekistonning istalgan nuqtasidan turib olish mumkin!

O'zbek va rus tillarida

DIQQAT! Endilikda testlarning istalgan quyidagi uch versiyasidan foydalanish mumkin:

- to'liq versiya (10 ta fan)
- komplekt (ta'lim yo'nalishiga bog'liq 3-4 ta fan)
- alohida fanlar

ONA TILI VA ADABIYOT

MATEMATIKA

FIZIKA

BIOLOGIYA

KIMYO

TARIX

GEOGRAFIYA

INGLIZ TILI

NEMIS TILI

FRANSUZ TILI



Guvohnoma №005067-03

- O'tgan yillardagi o'tish ballari
- Kasbga yo'naltirish bo'yicha testlar
- O'quv yurtlari va mutaxassisliklar haqida batafsil axborot

Batafsil ma'lumotlarni
WWW.MG.UZ saytidan yoki
+99871 **283-23-74, 283-39-34**
telefonlari orqali olish mumkin.

Xizmatlar litsenziyalangan.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Indeks: 149, 150. G-1224. Tiraj 38969.
Hajmi 4 bosma taboq. O'fset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 21.00 Topshirildi — 21.30

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 3 4 5